

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

125 Мехнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1166-1*

(2011 йил 4 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 12 августдаги 31, 96-сон қарори (рўйхат рақами 1166, 2002 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 15-16 сон) билан тасдиқланган Мехнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 февраль,
10-П-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

125-126-моддалар

Молия вазири

Тошкент ш.,
2011 йил 25 февраль,
16-сон

— 74 —

12-13 (460-461)-сон

Р. АЗИМОВ